“TEMIRYO‘L-SUG‘URTA” АЖ

«КЕЛИШИЛГАН»
«TEMIRYO‘L-SUG‘URTA» АЖ
Такафул масалалари бўйича маслаҳат берувчи «ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ директори

_____ Хакимов М.А.
30 декабр 2025 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«TEMIRYO‘L-SUG‘URTA» АЖ
Бош директори

_____ Умаров С.А.
30 декабр 2025 йил

“Такафул дарчаси” фаолиятини амалга ошириш

СИЁСАТИ

Тошкент – 2025 й.

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

I. Атамалар

Такафул – суғурталашнинг бир шакли бўлиб, ислом молияси тамойилларига мувофиқ белгиланган маълум қоидаларга асосан мижозлардан суғурта бадалларини жамғариш ва ушбу жамғарма ҳисобидан зарар кўрган мижозларнинг зарарларини қоплашни назарда тутади.

Такафул дарчаси – такафул фаолиятини амалга оширишни таъминловчи, суғурта ташкилоти умумий тизимининг бир қисми ҳисобланади.

Такафул фонди – такафул фаолияти билан боғлиқ бўлган барча захиралар ва жамғармалар йиғиндиси.

Такафул оператори – такафул фаолиятини амалга оширувчи суғурта ташкилоти - “TEMIRYO‘L-SUG‘URTA” АЖ.

Суғурта бадали – такафул доирасида такафул шартномаси доирасида мижоз томонидан тўланадиган бадал (мукофот, тўлов).

Такафул шартномаси– такафул оператори томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ такафул хизматларини кўрсатиш тўғрисида такафул оператори ва мижоз ўртасида тузиладиган шартнома.

Такафул хизматлари – такафул оператори ва мижоз ўртасидаги шартномага асосан такафул фондини бошқариш ва унинг ҳисобидан зарар кўрган мижозларга қопламалар тўлаш билан боғлиқ хизматлар.

Мижоз – такафул оператори билан такафул шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс.

II. Умумий қоидалар

1. Такафул оператори такафул фаолиятини барча умумий ва махсус суғурта қонунчилиги меъёрлари доирасида амалга оширади. Такафул операторининг такафул фаолияти билан боғлиқ барча ички тартиб ва қоидалари амалдаги қонунчилик меъёрларига зид бўлмаслиги шарт.
2. Такафул фаолияти такафул операторининг ички тартиб-қоидалари асосида алоҳида фаолият йўналиши сифатида қаралади. Такафул фаолияти билан боғлиқ бўлган маблағлар ва мажбуриятларнинг анъанавий суғурта бўйича маблағлар ва мажбуриятлар билан аралашиб кетишига йўл қўйилмайди.
3. Такафул фаолияти учун такафул оператори томонидан алоҳида банк ҳисоб рақами очилади. Такафул бўйича суғурта захиралари ва жамғармаларининг ҳисоби алоҳида тарзда юритилади.
4. Такафул фаолияти такафул оператори қошида ташкил этилган ислом молияси бўйича экспертлар кенгаши (кейинги матнларда – экспертлар кенгаши) томонидан назорат қилиб борилади. Такафул билан боғлиқ барча тартиб ва қоидалар, суғурта маҳсулотлари ва бошқа ҳужжатлар экспертлар кенгаши томонидан кўрикдан ўтказилиши ва тасдиқланиши шарт.

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

5. Экспертлар кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг аъзолари Такафул операторининг ижро органи томонидан тасдиқланади ҳамда ушбу кенгашнинг такафул фаолиятининг ислом молияси тамойилларига мувофиқлигини таъминлашга оид барча қарор ва кўрсатмалари ижро органи учун мажбурий аҳамият касб этади. Экспертлар кенгаши хизматлари томонларнинг келишувига асосан бошқа ихтисослашган ташкилот билан тузилган шартнома асосида ҳам кўрсатилиши мумкин.

6. Такафул фаолияти назоратининг узлуксизлигини, ҳамда фаолият давомида юзага келган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминлаш мақсадида такафул операторининг ижро органи таркибида такафул бўйича ички назоратчи (ёки ички назорат бўлими) фаолияти йўлга қўйилади. Ички назоратчининг ишлаш тартиб ва қоидалари экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланади.

III. Такафулга рискларни қабул қилиш

7. Такафулга қонунчилик асосида рухсат берилган барча рисклар қабул қилиниши мумкин, бундан ислом молияси тамойилларига мувофиқ суғурта қилиниши тақиқланган риск ва объектлар мустасно.

8. Такафул орқали қуйидаги объект ва рискларни суғурталаш тақиқланади:

- алкоголь ичимликларни, уларни сотиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ мулклар ва рискларни суғурталаш;
- чўчқа, чўчқа гўшти ва маҳсулотларини сотиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ мулклар ва рискларни суғурталаш;
- фоизли банк кредитлари ва қарзларни қайтмаслигини ҳамда улар бўйича гаровга қўйилган мулкларни суғурталаш;
- бошқа шу каби ислом молияси тамойилларига мувофиқ суғурталаниши тақиқланган рисклар.

9. Такафулга қабул қилиниши тақиқланган рисклар ва объектларнинг рўйхати экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланади. Такафулга фақатгина экспертлар кенгаши томонидан рухсат берилган рисклар ва объектларнинг турларигина қабул қилиниши мумкин.

10. Такафул оператори турли рисклар ва объектларни суғурталаш бўйича турли хил такафул маҳсулотларини ишлаб чиқиши мумкин.

11. Такафулга мижозлар томонидан тўланадиган бадал миқдори, суғурта пули ва қопламаси чегараси такафул оператори томонидан такафул маҳсулотининг хусусиятидан келиб чиқиб актуар ҳисоблар асосида белгиланади.

IV. Янги такафул хизматларини татбиқ этиш тартиб ва қоидалари

12. Такафул оператори томонидан янги такафул маҳсулотлари ишлаб чиқилган тақдирда, ушбу маҳсулот билан боғлиқ барча ҳужжатлар (қоидалар, тартиблар, шартнома ва ҳужжатлар намуналари) экспертлар кенгашига кўрикдан ўтказиш учун тақдим этилади.

13. Янги такафул маҳсулоти бўйича экспертлар кенгаши ижобий хулоса берган тақдирда, ушбу маҳсулот амалиётга жорий этилиши мумкин бўлади. Агар экспертлар кенгаши томонидан маҳсулот бўйича уни тузатиш борасида

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

кўрсатмалар берилган тақдирда, ушбу тузатишлар киритилгандан сўнг ҳужжатлар экспертлар кенгашига қайта кўрикдан ўтказиш учун тақдим этилади.

14. Янги такафул маҳсулоти бўйича ҳужжатлар экспертлар кенгашига тақдим этилгандан сўнг 2 (икки) кун ичида экспертлар кенгаши вакили ушбу ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати тўғрисида ижро органини хабардор қилади.

15. Янги такафул маҳсулотлари экспертлар кенгаши томонидан ижобий хулоса олинган тақдирдагина амалиётга татбиқ этилади.

16. Экспертлар кенгаши ҳар бир маҳсулот тури учун унинг хулосасини тасдиқловчи сертификат тақдим этади.

V. Такафул операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Такафул операторининг ижро органи такафулни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мижозлар билан такафул шартномаларини тузиш;
- янги такафул маҳсулотларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертлар кенгашига тақдим этиш;
- такафул маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш бўйича реклама ва маркетинг тадбирларини амалга ошириш;
- такафул фонди маблағларини белгиланган тартиб қоидаларга асосан инвестиция қилиш;
- такафул фонди маблағлари ҳисобидан ўз хизмат ҳақини олиш.

18. Такафул операторининг ижро органи мажбуриятлари:

- такафул фаолиятини амалга оширишда қонунчилик меъёрларининг бузилишига йўл қўймаслик;
- такафул шартномалари бўйича такафул операторининг мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
- такафул фондини белгиланган қоида ва тартибларга кўра шакллантириш ҳамда мақсадли сарфлаш;
- экспертлар кенгаши ва ички назоратчи фаолият юритишини таъминлаш;
- эксперт кенгаши томонидан чиқарилган қарорлар ва кўрсатмаларга риоя қилиш.

19. Такафул оператори такафул фонди маблағларининг хавфсиз сақланишини таъминлашга жавобгардир. Такафул фондига такафул операторининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида зарар етган тақдирда, такафул оператори ўз маблағлари ҳисобидан ушбу зарарни қоплайди. Такафул оператори таъсисчилари ёки кузатув кенгаши мазкур ҳолатлар бўйича ўз кафиллигини белгиланган ҳужжат асосида тасдиқлаб беради.

VI. Такафул фондини юритиш қоидалари

20. Такафул фаолияти билан боғлиқ бўлган барча захира ва жамғармалар такафул фондини ташкил этади.

21. Такафул фонди маблағлари такафул фаолиятига тегишли маблағлар ҳисобланади ҳамда фақатгина такафул фаолияти мақсадларида ишлатилиши мумкин.

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

22. Такафул фондини шакллантириш ва юритиш алоҳида очилган банк ҳисобварағи орқали амалга оширилади.

23. Такафул фонди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги” низоми асосида шакллантириладиган такафул фаолияти бўйича ишлаб топилмаган мукофотлар захираси, зарарлар захиралари ва фалокатлар захирасидан ташкил топади. Такафул фаолияти бўйича олдини олиш чора-тадбирлари захираси шакллантирилмайди.

24. Такафул фаолияти бўйича захираларни ҳисоблашда суғурта агентларига тўланадиган мукофотлар ҳисобга олинмайди.

25. Такафул фонди маблағлари суғурта бадаллари ҳисобидан шакллантирилади ва суғурта бадалининг қуйидаги захиралар ва сарфлар ўртасида тақсимланиши талаб этилади:

- ишлаб топилмаган мукофотлар захираси;
- зарарлар захиралари;
- ҳалокатлар захираси.

26. Такафул оператори томонидан такафул фаолияти амалга оширилганлиги сабабли, унинг ушбу фаолиятдан оладиган даромади, келиб тушган суғурта бадалларига нисбатан қатъий фоиз улушида белгиланади. Такафул операторининг даромади чегирилгандан сўнг қолган барча такафул фаолияти маблағлари такафул фонди маблағлари ҳисобланади. Бунинг учун такафул фондига тегишли захираларни шакллантириш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича алоҳида тартиб ишлаб чиқилади.

27. Такафул фондига келиб тушган маблағлар қуйидаги мақсадларда ишлатилади:

- Такафул бўйича суғурта зарарларини қоплаш;
- Бўш турган маблағаларни белгиланган тартибда инвестиция қилиш;
- Ортиб қолган такафул фонди маблағларини белгиланган тартибда мижозларга қайтариб бериш.

28. Ортиб қолган такафул фонди маблағларидан мижозларга қайтариладиган миқдорларни аниқлаш тартиби такафул фондига тааллуқли захираларни шакллантириш ва юритиш тартибида белгиланади. Мижоз вафот этган тақдирда, унга тегишли миқдор меросхўрларига берилади.

29. Такафул оператори томонидан такафул фонди маблағларининг ҳолати тўғрисида реал режимда маълумот олиш имконияти бўлиши ҳамда мижозларнинг ўз электрон аккаунти орқали тўлаган бадалларининг ҳолати тўғрисида маълумотга эга бўлиб туришларини таъминлаш мақсадида, тегишли электрон дастурини ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ этади.

30. Такафул фонди маблағлари суғурта зарарларини қоплашга етарли бўлмаган тақдирда, зарарлар Такафул операторининг ўз маблағлари ҳисобидан устав капиталидан ошиқ бўлмаган миқдорда қопланади ва ушбу сумма такафул фондида салбий (минус) ишора билан акс эттирилади. Мазкур ҳолат такафул оператори такафул фондига ўз маблағлари ҳисобидан фоизсиз қарз берганлигини билдиради. Такафул фонди маблағлари ижобий (плюс) ишора билан акс

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

эттирилганда мазкур молиявий ёрдам такафул операторига қайтарилганлигини билдиради.

31. Агар жамият ходими ёки жамият мижози такафул фондига қилинадиган тўловларни адашиб анъанавий ҳисобга туширса, бу ҳолатда жамият нотўғри ўтказилган тўловларни такафул фондига ўтказиш чораларини зудлик билан амалга ошириши ва ой охирида барча нотўғри ўтказилган тўловлар тўғрисида Экспертлар кенгашига умумий ҳисобот ҳолида хабар бериши керак.

Агар жамият ходими ёки жамият мижози анъанавий ҳисобга тушириладиган тўловларни адашиб такафул фондига туширса, бу ҳолатда жамият ой охирида барча нотўғри ўтказилган тўловлар сабабини тушунтирган ҳолда Экспертлар кенгашига умумий ҳисобот ҳолида хабар бериши ва Экспертлар кенгашидан рухсат олиши, шундан сўнг такафул фондига нотўғри ўтказилган тўловларни анъанавий ҳисобга ўтказиши керак.

32. Такафул фондини шакллантириш, ишлатиш, бошқариш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ барча тартиб ва қоидалар экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

VII. Такафул фонди маблағларини инвестиция қилишнинг умумий қоидалари

30. Такафул фонди маблағлари амалдаги қонунчилик ва ислом молияси тамойилларига мувофиқ келувчи объектларга ҳамда қонунчилик ва ислом молияси тамойилларига мувофиқ келувчи воситаларни қўллаган ҳолда инвестиция қилинади.

31. Қонунчилик ва ислом молияси тамойилларига мувофиқ келувчи инвестиция объектлари ва воситалари ҳамда асосий қоидалар экспертлар кенгаши томонидан белгиланади.

32. Такафул фонди ҳисобидан амалга ошириладиган инвестициялар бўйича барча пул айланмалари такафул учун очилган махсус алоҳида банк ҳисобварағи орқали амалга оширилади.

33. Такафул фонди ҳисобига сотиб олинган инвестиция активларининг бухгалтерия ҳисобини юритишда ушбу активларнинг такафул фонди маблағлари ҳисобидан олинганлигини ҳисобга олувчи алоҳида субҳисобварақлар очилади.

34. Такафул фонди маблағларини инвестиция қилишдан олинган фойдани ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби алоҳида инвестиция сиёсатида белгиланади.

VIII. Такафул фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш тартиб-қоидалари

35. Такафул фаолияти такафул оператори томонидан тўхтатилган тақдирда, такафул оператори амалдаги такафул шартномалари бўйича жавобгарликни олиб боради. Бунда такафул операторининг жавобгарлиги такафул фонди доирасида бўлади.

36. Такафул фаолияти тўхтатилгандан сўнг, такафул фонди маблағлари суғурта зарарларини қоплашга етарли бўлмаса, Такафул оператори ўз маблағлари ҳисобидан мазкур зарарни қоплашни мақсад қилади. Ушбу қоплама ислом молияси

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

нуқтаи-назаридан такафул оператори томонидан амалга оширилган хайрия деб ҳисобланади.

37. Такафул фаолияти тугатилган тақдирда мижозларнинг розилигига кўра такафул шартномалари муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин. Бунда мижозга тегишли бўлган такафул фондидаги улуш миқдори унга қайтариб тўлаб берилади. Такафул шартномалари муддатидан олдин бекор қилинмаган тақдирда Такафул оператори такафул фонди доирасида мижозлар олдида жавобгарлик олиб боради.

38. Барча такафул шартномалари муддати тугагандан сўнг такафул фондида маблағлар қолдиғи мавжуд бўлган ҳамда такафул фондининг мижозлар ва такафул оператори олдида бажарилмаган мажбуриятлари мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу маблағлар тегишли мижозларга белгиланган миқдорларда қайтариб берилади.

39. Такафул фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш тартиб-қоидалари экспертлар кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

IX. Иловалар

Иловалар йўқ.

X. Хужжат тарихи

Хужжатнинг Статуси (Асосий хужжат /Ревизия/Бекор қилиш)	Хужжат Ревизияси	Кучга киритилган/ Бекор қилинган, сана	Изох
Базавий хужжат		03/08/2023	Буйруқ 93-П, 3 август 2023 йил
Ревизия	A	30/12/2025	Буйруқ 127-П, 30 декабр 2025 йил

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ